

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ПАНАШ®

Препаратнинг савдо номи: Панаш®

Таъсир этувчи модда (ХПН): тиоколхикозид

Дори шакли: сиртга қўллаш учун крем

Таркиби:

Ҳар бир грамм крем қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 2,5 мг тиоколхикозид;

ёрдамчи моддалар: карбомер (карбопол 940), динарий эдетати, изопропил спирти, пропиленгликоль, глицерол (глицерин), натрий гидроксиди пеллети, енгил суюқ парафин, изопропилмиристат, полиоксил 40 гидрогенизация қилинган канақунжут мойи, тозаланган сув.

Таърифи: оч сарикдан сариқ ранггача бўлган қовушқоқ крем.

Фармакотерапевтик гуруҳи: марказий таъсирга эга миорелаксант

АТХ коди: M03BX05

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Тиоколхикозид- бу миорелаксацияловчи фармакологик фаолликка эга бўлган колхикозиднинг ярим синтетик ҳосиласи.

Таъсир механизми

In vitro шароитларда тиоколхикозид ГАМК-А ва стрихнинга сезувчан глицин рецепторлари билан боғланади. ГАМК-А – рецепторининг антагонисти каби таъсир қилувчи тиоколхикозид ўзининг самарали миорелаксацияловчи таъсирини супраспинал даражада регулятор комплекс механизмлари ёрдамида кўрсатиши мумкин. Аммо унинг глицинергик таъсир механизмларини истисно қилиниши мумкин эмас. Тиоколхикозидни ГАМК-А – рецептори билан ўзаро таъсирини характеристикаси қон оқимида сифат ва миқдорий ифодаланган асосий метаболит ҳисобланган глюкуронид ҳосиласи билан бир хилдир.

Фармакокинетикаси

Панаш® кремни тавсия қилинган дозаларда маҳаллий қўллангандан кейин тиоколхикозиднинг плазмадаги даражаси минимал даражадан паст бўлган. Бу маҳаллий қўлланганда тизимли сўрилишни юз бермаслигини кўрсатади, демак бу яхши ўзлаштираолинишини таъминлайди.

Қўлланилиши

Бел-думғаза радикулит (белда оғриқ), цервикобронхиалгия (бўйин, елка, қўл мушакларида оғриқ ва контрактура), энса мушакларини турғун ригидлиги, жароҳатдан кейинги ва операциядан кейинги оғриқ синдромида қўлланилади.

Катталарда ва 16 ёшгача ва ундан катта бўлган ўсмирларда умуртқа поғонасининг ўткир патологиясида оғриқли мушак контратурасини адыовант даволашда қўлланилади.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалари

Кремни терининг шикастланган соҳаси учун шикастланган ва яқин жойлашган соҳага етарли миқдорда кунига 2-3 марта бироз ишқалаб суртилади. Даволаш давомийлиги

ўзгарувчан, аммо 7-10 кунлик даволаш курс соғайиш учун етарли ҳисобланади. Даволаш курсининг давомийлигини шифокор аниқлайди.

Болалар.

Препаратни 17 ёшгача бўлган болаларда қўлланилмасин.

Қўллаш усули

Маҳаллий қўллаш учун крем.

Ножўя таъсирлари

- тошмалар ва тери тошмалари тўғрисида хабарлар мавжуд.
- кам ҳолларда уйқучанлик тўғрисида хабар берилган (“Автомобилни ва бошқа механизмларни бошқариш қобилиятига таъсирига” қаранг).

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

Тиоклохикозидни қуйидаги ҳолатларда қўллаш керак эмас:

- препаратнинг фаол моддасига ёки ёрдамчи компонентларига юқори сезувчанлик;
- периферик фалаж;
- мушаклар гипотонияси;
- ҳомиладорликни барча даврида;
- лактация даврида;
- контрацепцияни қўлламайдиган бола туғиш потенциали бўлган аёлларда қўллаш мумкин эмас.
- анамнезида хуружлари бўлган тиоклохикозидни эҳтиёткорлик билан буюрилади.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Номаълум.

Махсус кўрсатмалар

Тиоклохикозид болаларда қўллаш учун тавсия қилинмайди.

Ножўя самаралар пайдо бўлган ҳолларда дозани камайтириш керак.

Маҳаллий қўллаш учун препаратлар айниқса узоқ вақт қўлланган ҳолларда, организмнинг юқори сезувчанлигига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда даволашни тўхтатиш ва тегишли даволашни ўтказиш керак.

Панаш® креми пропиленгликол сақлайди, бу терини таъсирланишини чақириши мумкин.

Ҳомиладорлик ва лактация даврида қўлланилиши

Ҳомиладорлик

Тиоклохикозидни ҳомиладор аёлларда қўллаш тўғрисида маълумотлар чекланган. Шунинг учун эмбрион ва ҳомила учун потенциал хавф омиллари номаълум бўлиб қолмоқда.

Ҳайвонларда ўтказилган тажрибаларда тератоген самараси аниқланган. Панаш® кремани ҳомиладорликда ва туғруқ ёшидаги контрацепцияни қўлламайдиган аёлларда қўллаш мумкин эмас.

Лактация

Тиоклохикозидни кўкрак сутига кириш туфайли уни эмизиш даврида қўллаш мумкин эмас.

Фертиллик

Каламушларда фертилликни ўрганиш юзасидан тадқиқотларда, уни 1 мг/кг бўлган дозада, яъни клиник самарага эга бўлмаган дозаларда қўлланганда насл қолдириш қобилиятига таъсирини аниқланилмади. Тиоклохикозид ва унинг метаболитлари турли концентрацияларда анеугенликни (хромосомаларда бузилишларни чақириш хусусияти) чақириш хусусиятига эга, бу одамда фертилликни пасайтириш хавф омилли бўлиши мумкин.

Транспорт воситалари бошқариш ва бошқа механизмларни ишлатиш қобилиятига таъсири:

Гарчи Панаш® кремини қўллангандан кейин уйқучанлик кам ҳолларда учрайдиган ножўя самара ҳисоблансада, уни пайдо бўлиш эҳтимолини ҳисобга олиш тавсия қилинади.

Дозани ошириб юборилиши

Тиоколхикозид билан даволанган пациентлар ўртасида дозани ошириб юборилиши симптомлари тўғрисида маълумотлар йўқ. Дозани ошириб юборилиш симптомлари пайдо бўлганида тиббий кузатув ва симптоматик даволаш тавсия қилинади.

Чиқарилиш шакли

30 граммдан эгилувчан алюминий тубада. Ҳар бир туба тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга картон ўрамда.

Сақлаш шароитлари

Курук, ёруғликдан ҳимояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Музлатилмасин!

Яроқлилик муддати

3 йил.

Препаратни яроқлилик муддати ўтгач қўлланилмасин.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецепт бўйича.

Ишлаб чиқарувчи:

Kusum Healthcare Pvt. Ltd.

Манзил:

SP-289(A), RIICO Industrial Area, Chopanki, Bhiwadi, Dist. Alwar (Rajasthan), Ҳиндистон.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозлар (таклифлар) ни қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

“BARAKA DORI FARM” МЧЖ ХК

100022, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Халка Йули кўчаси, 91-уй.

Тел.: +998 (78) 150 97 97; +998 (93) 388 87 82;

Факс: +998 (78) 1509787

E-mail: pv@kusum.uz

Web-сайт: kusum.uz